

Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 18-sentabr, shanba, 100 (23.536)-son


**Кун ҳикмати**

Қонунлар ҳар ким дунёни ўз қаричи билан ўлчамаслиги учун чиқарилади

# 20 сентябрдан Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади

**Кеча бўлиб ўтган Марказий сайлов комиссияси мажлисида Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти 2021 йил 20 сентябрдан бошланиши қайд этилди.**

Сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари қуйидаги тартибда амалга оширилиши белгиланмоқда:

**Биринчи** – Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод – **Нарзулло Наимович ОБЛОМУРАДОВ;**

**Иккинчи** – Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод – **Мақсуда Азизовна ВАРИСОВА;**

**Учинчи** – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод – **Шавкат Миромонович МИРЗИЁЕВ;**

**Тўртинчи** – Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод – **Алишер Келдиевич ҚОДИРОВ;**

**Бешинчи** – Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод – **Баҳром Абдураҳимович АБДУҲАЛИМОВ.**

# Президентликка номзодларнинг ишончли вакиллари эълон қилинди

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг тақдимномаларига асосан, Марказий сайлов комиссияси уларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олди.**

- Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори **Муҳиддин Пўлатов** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Нарзулло Наимович Обломурадов**нинг;

- Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси **Бадриддин Насриев** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Мақсуда Азизовна Варисова**нинг;

- Самарқанд давлат университети ректори **Рустам Холмуродов** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Мирзиёев Шавкат Миромонович**нинг;

- "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви раиси – ижрочи директори **Акбар Ахтамов** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Алишер Келдиевич Қодиров**нинг;

- Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти кенгаши раиси **Мухиба Бабабекова** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод **Баҳром Абдураҳимович Абдуҳалимов**нинг ишончли вакили бўлди.

24 OKTABR 2021-YIL O'ZBEKISTON PREZIDENTI SAYLOVI **36** КУН ҚОЛДИ

*Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*

# Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ қирқ учинчи сессиясини чақириш тўғрисида

*"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан* **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ қирқ учинчи сессияси **2021 йил 24 сентябрь куни соат 10:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

- вилоят санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси бошлиғи А.Баҳромовнинг "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд шаҳар деҳқон бозорларидаги ижросини ўрганиш натижалари юзасидан ҳисоботи;

- вилоят маданий мерос бошқармаси бошлиғи З.Абдуллаевнинг вилоятда жойлашган моддий маданий мерос объектлари ва бойликларни аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, асраш ва улардан оқилона фойдаланиш, музей ашёлари ва музей коллекцияларини бут сақлаш масалалари бўйича ахбороти;

- вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Б.Негматовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги "Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-5152-сонли қарорининг вилоятда уй-жой коммунал инфратузилмасини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда кўп қаватли уй-жойларни сақлаш борасида олиб борилаётган ишлари юзасидан ҳисоботи;

- бошқа масалалар.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Вилоят ҳокими** **Э.ТУРДИМОВ**

*2021 йил 15 сентябрь 52-7-0-Q/21*



# Соддалаштирилган сертификатлаш – ТАДБИРКОРГА ИМКОНИЯТ

**Ўзбекистон илмий синов ва сифат назорати маркази давлат муассасаси Самарқанд филиали томонидан вилоятда фаолият юритаётган корхона-ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг синов ва сертификатлаш борасида амалга оширилаётган ҳамда соҳадаги ислоҳотларга бағишланган пресс-тур ташкил этилди.**

Тадбир доирасида оммавий ахборот воситалари ходимлари «Ургут» эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган корхоналарда маҳсулотларни синовдан ўтказиш, сертификатлаш борасидаги ислоҳотларнинг моҳияти, уларнинг тадбиркорларга яратаётган имкониятлари билан танишди.

- Марказимиз бугунги кунда сертификатлаштириш йўналишида озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, электротехника, машинасозлик, полимер маҳсулотларига мувофиқлик сертификатларини бериш бўйича хизмат кўрсатиб келмоқда, - дейди Ўзбекистон илмий синов ва сифат назорати маркази давлат муассасаси Самарқанд филиали раҳбари Камолиддин Муродов. – Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятимизда фаолият юритаётган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган 330 дан ортиқ маҳсулот учун мувофиқлик сертификатлари берилди. Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан жорий йилда филиалимизнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари синов лабораториясида модернизация ишлари амалга оширилди. Жаҳон банкининг 1 миллион долларлик имтиёзли кредити асосида дунёнинг етакчи мамлакатларида ишлаб чиқарилган энг замонавий синов асбоб-ускуналари олиб келинди. Натижада маҳсулотларнинг синов жараёни халқаро талаблар даражасига етказилиб, корхона-ташкилотларнинг экспорт географияси кенгайишига эришилмоқда. Келгусида янги синов ва сифат назоратини амалга ошириш хизматларини жорий этган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга мувофиқлик сертификатларини расмийлаштиришда янада қулайликлар яратиб, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга ҳисса қўшамиз.

Иштирокчилар "IDEAL ELECTROLUX" қўшма корхонаси ҳамда "YEC gilam" масъулияти чекланган жамиятларида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнларини кузатишди.

ОАВ вакиллари синов ва сифат назоратини амалга ошириш борасида ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа вакиллари ҳамда ишлаб чиқарувчилардан батафсил жавоб олишди.

**Алишер ИСРОИЛОВ.**

# САЙЛОВ ёки СИЁСАТДА ЎЗГАРИШ БОР(ми?)

**24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилади. Айни кунларда ушбу жараёнга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Бу борада аҳолида, кузатувчиларда турли саволлар туғилиши табиий. Биз ҳам ўзимизни қизиқтирган айрим саволларга жавоб олиш мақсадида 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси Фармон Тошев билан суҳбатлашдик.**




**- Фармон Исҳоқович, бу гал ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раислигини эгалладингиз. Сайловларда "суяги қотган" инсон сифатида ушбу вазифанинг оғирликлари ҳақида гапириб берсангиз.**

- Аввало, саволни тўғрилаб кетсам, округ сайлов комиссияси раислиги эгалланмайди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари томонидан тавсия этилиб, Марказий савлов комиссияси қарори билан тайинланади.

Вазифа оғирлиги ҳақида гап кетганда бир сўз билан "йўқ", деб жавоб беришим мумкин. Лекин айрим маълумотларни келтириб ўтишни лозим, деб биламан. Негаки, илгари жараённи ташкил этишга жалб қилинганлар жамоатчилик асосида фаолият юритарди. Энди участка, округ сайлов комиссиялари аъзоларига тегишли тартибда ҳақ тўланяпти.

Қолаверса, илгари сайлов қутисини ким ўрнатади, тарқатма материаллар қачон бўлади, ким беради, деган турли муаммоли масалалар кўп эди. Хабарингиз бўлса, 2019 йилги депутатлик сайловларида ҳам участка сайлов комиссиялари аъзолари фойдаланадиган оддий ручка-қоғоздан тортиб, уларнинг овқатланишигача барча масалаларга Марказий сайлов комиссияси томонидан зарур маблағ ажратилди.

Октябрь ойида ўтадиган Президент сайловида ҳам ташкилий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа бирор жабҳада муаммога ўрин қолдирилмаган. Участка ва округ сайлов комиссиялари аъзолари белгиланган муддат давомида семинар-тренингларда иштирок этгани фаолиятимизни қонун доирасида, белгиланган талаб даражасида ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) »»



# Самарқандда илк оилавий болалар уйлари очилди

**Оқдарё тумани ва Самарқанд шаҳрида ташкил этилган оилавий болалар уйларида энди 1-Меҳрибонлик уйининг 10 нафар тарбияланувчилари оила бағрида яшайди.**

Оқдарё тумани Найман маҳалласида яшовчи Олим Раҳимов турмуш ўртоғи Марҳабо опа билан ўз "Оилавий болалар уйи" ни очиб, 4 нафар қиз ва 1 нафар ўғил болани оила бағрига қабул қилди.

– Шу пайтгача 1-Меҳрибонлик уйида ишлаганман ва бу болалар ўз фарзандимдек бўлиб қолган, – дейди Марҳабо Раҳимова. – Президентимизнинг қарорлари чиқиб, оилавий меҳрибонлик уйлари ташкил этишга рухсат берилганидан сўнг, шу ишга қўл уриб, беш нафар болани ўз оиламиз бағрига олдик.

Самарқанд шаҳар Қорасув массивида яшовчи Усмоновлар хонадони эса 5 нафар қизни ўз оиласига қўшиб олди. Эътиборлиси, бу оила бекаси Ирода Усмонова ҳам шу пайтгача 1-Меҳрибонлик уйида фаолият кўрсатган ва ушбу маскан болаларига меҳри тушиб, энди уларни ўз хонадонида ўстиришга қарор қилди.

Миллий гвардия вилоят бошқармаси бошлиғи, полковник Л.Яхшиликов эзгу ишга қўл урган хонадон эгаларига миннатдорлик билдирди. Оилавий болалар уйлари эгаларига Миллий гвардия ва ҳокимликнинг эсдалик совғалари топширилди.

# САЙЛОВ ёки СИЁСАТДА ЎЗГАРИШ БОР(ми?)

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

**- Айрим хориж ОАВларида Ўзбекистонда мухолифат йўқ деган иддаолар айтилади. Сиз бунга қандай қарайсиз?**

- Аслида бу саволга жавоб бериш менинг ваколатим эмас, лекин саволга савол билан жавоб бермоқчиман. Қайси қонун ёки Конституциямизнинг қайси моддасида мухолифат бўлиши шарт, деган норма бор? Тўғри, фикрлар қарама-қаршилиги, мутлақ ғоя ўрнатилмаслиги белгиланган.

Миллий энциклопедияда мухолифат бўлишнинг асосий талаблари сифатида ҳокимиятни бошқариш бўйича ўз дастурига, фаолиятининг ғоявий, мафкуравий асосига эга бўлиш; дастурини мафкуравий йўллар билан кенг жамоатчиликка етказиш; ўз электорати (сайловчилар доираси)га эга бўлиш, улар манфаатини кўзлаб қонун доирасида курашиш; ҳал қилиниши керак бўлган вазифаларни ечиш учун альтернатив (муқобил) йўлларни таклиф этиб, унинг тўғрилигини амалда исботлашга ҳаракат қилиш келтирилган.

Саволингизда сиёсий мухолифат тўғрисида сўрамоқчи бўляпсизда, менимча. Юқорида айтганимдай юртимиздаги ҳар бир сиёсий партиянинг йўналиши, қарашлари ва позициялари ўзига хослиги саволга жавоб аслида. Чунки, улар бир-биридан фарқ қилади. Сиёсий партиялар мақсад, вазифаларини амалга оширишда бошқаларнинг манфаатларига зиён етказмасдан ҳокимият учун қонуний кураш олиб боряпти.

**- Энди сайловчиларнинг фаоллиги билан боғлиқ савол бермоқчиман. Негаки, жараённинг нечоғлик қонуний эканлигида фуқароларнинг овоз беришдаги иштироки ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, айтингчи, фуқароларнинг Президент сайловига қизиқиши, унда иштирок этишга хоҳиши қай даражада, деб ўйлайсиз?**

- Сайлов жараёнлари ҳақида сайловчиларни кенг хабардор қилиш, мақсадида роликлар, мақолалар, телерепортажлар тайёрланиб намойиш этиляпти. Қолаверса, Марказий сайлов комиссиясининг "Saylov-2021" веб-портали ишлаб турибди, "Saylov 2021" мобил иловаси яратилди. Умуман, жараёнлар доирасида барча оммавий ахборот воситалари орқали мингга яқин хабар, репортаж, таҳлилий мақола, интервью, блиц-тест ҳамда яна бошқа форматдаги кўплаб журналистик материаллар эълон қилинган.

Бевосита саволга қайтадиган бўлсак, одамлар сайлов жараёнлари ҳақида нафақат оммавий ахборот воситалари, матбуот нашрлари, балки ижтимоий тармоқлар орқали ҳам хабардор бўлиб боряпти.

Агар фақат марказий ёки давлат ОАВда жараён тўғрисида хабар ва лавҳалар берилганда бошқа гап эди. Аммо ижтимоий тармоқлар ва турли шахсий блокларда ҳам сайловга оид материаллар чоп этилиши аҳолининг катта қисми сайловнинг ўзи ва жамият тақдирига дахлдор масала сифатида қараётганини билдиради. Шундан келиб чиқиб айтишим мумкинки, фуқаролар ўз сиёсий ҳуқуқидан фойдаланишда фаол бўлади.

**- Номзодлар билан танишиб чиқиб, олдинда турган сиёсий жараёнда ЎзЛиДеПнинг имкониятлари катта, деган хулосага келиш мумкин? Шундай эмасми?**

- Партиялар ўртасидаги баҳс одатда ташвиқот жараёнида кузатилади. Яъни, тахминларни ўша вақтда билдиришингиз мумкин. Сайловолди ташвиқоти эса мамлакатимизда 20 сентябрдан бошланади.

Аммо шу ўринда бир гапни айтиб ўтишим мумкин. Президентликка сиёсий партиялар томонидан номзодлар расмиятчилик учун танланиб, илгари сурилмаган. Улар фаолияти билан танишиб чиққан одам ҳар бири етарли тажрибага эга, муайян ютуқларга эришган, кучли мутахассис эканлигини англаши табиий. Шу маънода, сайлов натижаси халқ хоҳиш-иродаси, кўпчиликнинг танлови саналади.

**- Суҳбат аввалида 2019 йилги депутатлик сайловларини ёдга олдингиз. Ёдимда, овоз бериш жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ экспериментлар ўтказилганди. Жорий йилги Президент сайловида ҳам улар ташкил қилинадими ёки йўқми?**

- Тўғри, депутатликка сайловларда Самарқанд давлат университетида ташкил қилинган сайлов участкасини онлайн режимда кузатиш йўлга қўйилганди. Бу иш жорий йилда ҳам амалга оширилади. Фақат энди, ҳар бир туман ва шаҳарда биттадан участкани онлайн кузатиб бориш мумкин бўлади. Бу борада айни кунларда тегишли жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, жараённи янада шаффоф ўтказиш, шу билан бирга сайловчи ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига етарлича қулайлик яратиш чоралари кўриляпти.

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳақида гап кетганда бу фақат Марказий сайлов комиссияси ёки округ ва участка сайлов комиссиясининг вазифаси эмаслигини алоҳида қайд этиш лозим. Шу маънода ваколатимиздан келиб чиқиб, округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишларида тегишли бошқарув органларининг ҳисоботларини эшитиш режалаштирилган. Бир сўз билан айтганда газчи газда, "светчи" электрда, алоқачи телефон ва интернетда муаммо бўлмаслигини таъминлаши шарт.

**- Демак, Самарқандда Президент сайловларида муаммо бўлмаслиги учун барча зарур чоралар кўриляпти?**

- Шундай.

**- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

**Ёқубжон МАРҚАЕВ суҳбатлашди.**



**Касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул. Шундай экан эмланиш – бу вирусни енгишнинг ягона чораси. Халқимиз буни тўғри тушуниши, ўзи ва яқинлари саломатлиги ҳақида қайғуриши керак. Коронавирусга чалинган беморларда кейинчалик ҳам соғлиғига таъсир қиладиган кўплаб асоратлар кузатиляпти. Вақт ўтган сари бу вируснинг янги турлари пайдо бўлмоқда. Бу барчамизни сергакликка чорлаши зарур.**

# Энди бизни карантин чоралари эмас, ВАКЦИНАЦИЯ ҲИМОЯЛАЙДИ

Бугунги кунда халқимизда "Вакцина нима, фойдали ёки ножўя таъсирлари нималардан иборат, самарадорлиги ва хавфсизлигининг таҳлиллари қандай амалга оширилди ва бу нега керак?" деган саволлар кўпайди. Аммо бу саволларга билиб-билмасдан "шахсий" муносабат билдириш ҳам кенг тус олмоқда.

### ВАКЦИНА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ?

Вакцина – биологик келиб чиқишга эга тиббий препарат бўлиб, инсон организмида маълум вирус ёки бошқа микробга қарши иммунитет ҳосил қилиши билан қимматлидир. Анъанавий усулда у вирус ёки бошқа микробларнинг зарар келтира олмайдиган даражада заифлаштирилган ёки жонсиз шаклини яратиш орқали олинади. Ҳозирги илм-фан ютуқлари эса вирус ёки бактерия организмидан тўла фойдаланмасдан туриб ҳам вакцина яратиш имконини беради. Бунда касаллик қўзғатувчи вирус ёки бактериянинг кичик бир бўлаги биотехнологик усуллар ёрдамида кўпайтирилиб, тозалаб олинади. Ушбу турдаги вакциналар таркибида инфекция қўзғатувчиси бўлмаганлиги учун касалликнинг қайталаниш эҳтимоли мавжуд эмас. Вакциналар бизни касалликлардан қандай ҳимоя қилишини билиш учун авваламбор инсон иммун тизими ишлаш жараёнини тасаввур қилишимиз керак бўлади.

Инсон танасининг ҳимоя тизимини ўта тезкор ва замонавий армияга ўхшатиш мумкин. Унга "душман", яъни вирус ёки бирор микроб (фанда антигенлар деб юритилади) кириб келганида, иммун тизими уни ташқи белгилари (асосан оқсил қобиғи) орқали таниб олади ва унга қарши антитаначалардан иборат тезкор гуруҳ "аскар"ларини ишлаб чиқаради. Бу жараён ўз-ўзидан, автоматик равишда рўй беради.

Жонсизлантирилган вакцина инсон танасига юборилганида ҳам шундай жараён содир бўлади: иммун тизими уни аниқлаб, курашувчан махсус бўлинмаларни ишлаб чиқаради. Жонли вирусдан фарқи шундаки, у инсон танасида касаллик келтириб чиқара олмайди. Бу ҳозирги пайтга қадар касалликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг энг самарали усули бўлиб келмоқда. Табиийки, инсон организми доимий микроблар (антигенлар) қуршовида эканлиги эътиборга олинса, бундай иммун тизим ва вакцинация табиий равишда танамизни ҳимоя қилиб туради.

### ИЛК МАРТА ИБН СИНО АНИҚЛАГАН

Микробларга қарши тананинг ўзи курашчи (антитаначалар) эканини англаб етиш инсониятга "душман" ҳужумига олдиндан тайёр туриш учун "душман"нинг ўзидан (вакцина) фойдаланиш ва ҳужумга қадар инсон танасида мустаҳкам ҳимоя қўрғонларини (антитаначалар) қуриб қўйиш орқали ҳужумдан беталафот чиқиб кетиш (иммунитет) имконини очиб берди. Дунё тарихида илк вакцинация намуналари бундан тахминан минг йил олдин Ҳиндистонда ва Хитойда қўлланилган деган фаразлар мавжуд. Лекин бутун дунё тиббиётининг отаси деб тан олинган улуғ аждодимиз Абу Али ибн Сино ўнинчи асрдаёқ хавфли юқумли касалликлар билан курашишнинг жуда муҳим қоидаларни инсониятга туҳфа этгани ҳақиқат.



1025 йилда ёзилган "Тиб қонунлари" асарида буюк аллома юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш учун қирқ кунлик ҳимояланиш зарурлигини айтиб ўтган эди. Абу Али ибн Сино инсоният тарихида биринчи бўлиб касалликларни микроблар келтириб чиқаришини аниқлаган, кишиларда сариқ касаллиги каби жиддий хасталикларнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтириб берган.

### «ОНЛАЙН ПОЛИКЛИНИКА»ГА МУРОЖААТЛАР

Самарқанд давлат тиббиёт институти жамоаси ҳам юртимизда коронавирус инфекциясига қарши кураш бўйича чора-тадбирларни янада фаоллаштириш борасида Самарқанд ва қўшни вилоятлар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишга ҳисса қўшмоқда. Институтнинг 35 та кафедрасида фаолият кўрсатаётган 300 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар Самарқанд шаҳрининг 12 та оилавий поликлиникаси, вилоят, туман (шаҳар)ларнинг 16 та марказий кўп тармоқли поликлиникаси, 47 та оилавий поликлиника ва 131 та ОШПга коронавирус касаллиги туфайли стационар ва амбулатор даволанган беморларни даволаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун бириктирилди.

Самарқанд шаҳрида 2 та (2 ва 4-оилавий поликлиникаларда), қолган 15 та тиббиёт бирлашмалари негизида биттадан, жами 17 та махсус COVID-поликлиника ташкил қилинган. Махсус поликлиникаларда 51 та мобил бригада фаолият олиб бормоқда ва уларнинг ҳар бирига бир кунда ўртача 50-55 та мурожаат бўлмоқда.

Институтнинг малака ошириш факультетида коронавирус касаллигини даволашга мўлжалланган шифохоналарда фаолият юритиши учун 473 нафар врач ўқитилди ва махсус сертификат берилди. Ҳозирги кунда яна 100 нафар врач ўқитилмоқда.

Аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг коронавирус инфекцияси ҳақидаги саволларига тегишли мутахассислар томонидан тавсия ҳамда маслаҳатлар бериш мақсадида 2021 йил 1 июлдан 24 соат давомида фаолият олиб борадиган «Coll-markaz» ва унинг негизида "Онлайн поликлиника" хизмати ҳамда "Онлайн маслаҳат" телеграм бот ташкил этилди. Уларга пухта билим ва тажрибага эга умумий амалиёт шифокорлари, кардиолог, невропотолог, эндокринолог, ЛОР, инфекционист, акушер-гинеколог ва психолог каби малакали профессор-ўқитувчилардан иборат мутахассислар бириктирилди.

Бугунги кунга қадар "Онлайн поликлиника" хизмати ҳамда "Онлайн маслаҳат" телеграм бот орқали 2710 та мурожаат келиб тушган. Мутахассислар томонидан аҳолини коронавирус инфекциясига қарши эмлаш бўйича ҳам тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

**Жасур РИЗАЕВ,**
**Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори, профессор.**

# Ҳуқуқшуносликни чуқур ўрганиш ДАВР ТАЛАБИ



**Ҳуқуқий фанлар барча ижтимоий–гуманитар фанлар сингари жамиятда ва давлат ҳаётида муҳим ўрин тутади. Қадимги Рим давлатининг деярли 2200 йиллик тарихи давомида Рим ҳуқуқини яратиб, уни ривожлантириб келган даҳоларнинг (Корифей) ҳуқуқий асар ҳамда дарсликларига қонун кучи берилиб, бу ҳуқуқ «Инсониятнинг ёзма олтин ақли» деб баҳолаб келинган.**

Ҳуқуқий фанлар жамият ва давлат тараққиётининг барча босқичларида муҳим ўрин эгаллаган. Рим ҳуқуқининг асосларини ҳуқуқий фанни дастлаб черков ва монастирларда ўрганиш инсониятга Болония, Сорбонна каби университетларни туҳфа қилди.

Барча ижтимоий фанлар сингари ҳуқуқий фанлар ҳам кўп тармоқли бўлиб, уларни баъзи олимлар тўрт гуруҳга, баъзилар эса олти гуруҳга бўладилар. Улардан ташқари яна ўндан ортиқ умумий илмий-ҳуқуқий фанлар ҳам бор. Ихчамроғини қабул қилсак? а) умум назарий ва тарихий-ҳуқуқий фанлар; б) тармоқ юридик фанлари; в) халқаро ҳуқуқларни ўрганадиган фанлар; г) комплекс ҳуқуқий фанлар.

Ушбу фанларнинг ўрганадиган объекти бу жамият ҳодисалари – инсонларнинг ўзлари кашф қилган, саккиз минг йиллик тарихга эга бўлган ҳуқуқ ва олти минг йиллар ёшига тенг бўлган давлатдир.

Вазифаси эса жамиятимизда вужудга келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилишдир. Уни ҳал қилиш вазифаси барча ижтимоий фанлар билан мустаҳкам алоқада, айниқса, иқтисод, тарих, тилшунослик, социологик фанлар билан чамбарчас боғлиқдир. Жамият аъзоларининг биргаликда яшашлари ҳар доим умум келишув ва умум эркхоҳиш, ирода асосида қабул қилинадиган, қоидаларга давлат-ҳуқуқий муаммоларини ҳал этиб тартибга солишга эҳтиёж сезади. Шу мақсадда ҳуқуқ нормалари қабул қилинади.

Республикамизда мана ўттиз йилдан бери амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам ҳуқуқий фанларнинг тадқиқот объектини ташкил қиладиган ҳуқуқ нормаларида ифодаланади. Илмий-амалий жиҳатдан чуқур асослантирилган, ҳаётга жорий этиш учун социал-иқтисодий воситалар билан таъминланган, экспериментлар, ҳаёт синовларидан ўтган, воқеа, ҳодиса, аввалгисидан кўра янги, ижобий мазмун берувчи ҳуқуқий тадбирлар яшаб қолади. Акс ҳолда баъзан кўп ўтмай зарарли ёки фойдасиз ҳуқуқий тадбирга айланиши, бундай ҳуқуқий тадбирлар социал самарадорлиги паст ёки салбий деб баҳоланиши ҳам мумкин.

Ҳуқуқий тадбирларнинг самарадорлигини аниқлаш юридик фанларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Республикамизда бундай ташкилот ва муассасалар анчагина. Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелдаги фармони билан қайта тикланган ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти, Республика Президенти ҳузуридаги қонунларни мониторинг қилиш институти, ҳуқуқий тадқиқотлар маркази, Тошкент давлат юридик университети, ИИВ Академияси ҳамда юқоридаги фармон билан қайта тикланган барча юридик факультетларнинг илмий-педагогик жамоалари республикамизда эҳтиёж туғиладиган юридик муаммоларни тадқиқ қилиш ва хулосалар ишлаб чиқиш билан ҳам шуғулланади. Афсуски, ҳуқуқшунослик фанларини ривожлантириб тадқиқотлар олиб борадиган баъзи муассасалар гоҳ очилиб, гоҳ ёпилиб турилади. Бунга СамДУ юридик факультетининг турли сабабларга кўра тўрт марта ёпилиб, бешинчи марта очилиши мисол бўла олади. Ҳуқуқшунослик фанлари давлат грантлари асосида, у ёки бу ҳуқуқ тармоқларидаги нормалар, норматив ҳужжатлар, қонунлар ва кодексларнинг самарадорлиги масалаларини ўз ичига олиш керак. Афсуски, шу кунларда олиб борилаётган баъзи тадқиқотларда амалиёт маълумотлари, ҳуқуқий статистика материаллари таҳлили жуда заиф. Ҳар қандай ҳуқуқшунослик фанининг вазифаси назария ва амалиётни биргаликда тадқиқ қилиб асослантирилган илмий хулосалар ва тавсияларни ишлаб чиқиш деб ҳисоблаймиз. Баъзан ОТМ ёки таянч олий ўқув юртлари томонидан ўқув режаларидан баъзи фанлар чиқариб ташланади.

Айрим маъруза соатлари қисқартирилади ёки иккита-учта фан қўшиб юборилади (масалан чет мамлакатлар давлати (хорижий эмас) ва ҳуқуқи тарихи, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи, Рим ҳуқуқи қўшилиб дастлаб бор-йўғи 22 соат маъруза берилган эди). Чет давлат олий юридик ўқув юртларида ўқитиладиган фанлар ва таълим тизимидаги тажрибалардан фойдаланишимиз зарур. Бу замон талаби.

Аммо уларга ёпишиб олиш тўғрими, йўқми бизга қоронғу. Шуни айтиш лозимки, фан ва таълим, тадқиқот иши ҳамда улар асосида тегишли дарсликлар ёзиш бу эгизак ҳодисалардир. Яъни тадқиқотлар такомиллаштирилса, ривожлантирилса, фан бўйича дарсликлар ҳам шунча бойийди, янгиланади, такомиллашади.

Юридик фанларидаги ўзига хослик – миллий ҳуқуқий тизим, миллий қонунчиликни ўрганишини ҳам унутмаслигимиз лозим. Масалан, АҚШда қонун лойиҳасини киритган ёки ишлаб чиққан депутатлар, сенаторларнинг номлари билан (Пендльтон, Вурхис, Макартэн, Уолтер ва бошқа) аталса, бизда бу бошқачароқ. Чет мамлакатлар ҳуқуқини ўрганишда бош мақсадлардан бири бу – ўзимиз ва уларнинг қонунларини қиёсий ўрганиб бизнинг шароитимизга тўғри келадиган норма ёки тўла қонунларни (масалан, «Хабес Корпус Акт» Англия) қабул қилиб олишдир.

Мамлакатимизда барча ҳуқуқий тадқиқотлар олиб бориладиган ўқув юртларида конкрет – ҳуқуқий норма ёки қонуннинг қимматлилиги каби ўлчамларга риоя қилинсагина ҳуқуқшунослик фани ҳуқуқни қўллаш амалиёти самаралироқ бўлади, деб ўйлаймиз.

**Зиёдулла МУҚИМОВ,**
**профессор,**
**олий таълим фахрийси.**



**Вилоятимиз аҳолисининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида «Самарқанд сув таъминоти» масъулияти чекланган жамияти томонидан 2017 йилдан буён 1088 километр ичимлик суви тармоқлари тортилди.**

# Ичимлик суви муаммолари қачон бартараф этилади?

- Мустақиллик йилларида юзлаб маҳалла ва қишлоқларда фойдаланиб келинган сув иншоотлари ишдан чиқиб, қайта таъмирланмаган, - дейди «Самарқанд сув таъминоти» МЧЖ бош муҳандиси Толиб Бобоев. – Керакли асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар йўқлиги сабабли юзлаб сув иншоотлари ишламасдан қолди. Аҳоли эса қўлбола қурилмалар орқали ер остидан тортиб олинган истеъмолга яроқсиз сувни ичишга мажбур бўлди. Давлатимиз томонидан аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳар бир маҳалла ва қишлоқда босқичма-босқич сув иншоотлари қурилмоқда.

Биргина 2021 йилнинг ўзида 210 маҳаллада 248,3 миллиард сўм маблағ эвазига 600 километр тоза ичимлик суви, 57,8 километр оқова сув тармоғи қуриш режалаштирилган. Шунингдек, 88 та ичимлик сув иншооти ва 3 та оқова сув тозалаш иншооти реконструкция қилинади. Ҳозиргача жамиятнинг шаҳар ва туманлардаги бўлимлари томонидан режадаги ишларнинг 70 фоизи якунланди.

Қўшработ - вилоятимизнинг энг чекка туманларидан бири. Юз мингдан зиёд аҳолининг 80 фоизи ичимлик суви билан таъминланмаган. «Самарқанд сув таъминоти» МЧЖ томонидан туман маркази ҳамда 78 та қишлоқ аҳоли пунктларида 56 та ичимлик суви иншоотлари ва 883,8 километр ичимлик суви тармоқларини қуриш, қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

- Жорий йил туманимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Давлатобод, Нуроний, Чароғбон маҳаллаларида ишламай турган 4 та сув иншоотини таъмирлаб ишга туширишимиз натижасида 22,5 километр масофага сув тармоқлари тортилди, -дейди «Самарқанд сув таъминоти» МЧЖ Тойлоқ туман филиали муҳандиси Расулберди Усмонов. – Мустақиллик байрами арафасида Бутбой қишлоғида 2,6 километр, Тўқолда эса 6,5 километр янги сув тармоқлари тортилиб, 250 га яқин хонадон марказлашган тизимга уланди.

Йил охиригача вилоятимизда 57 мингдан зиёд хонадонда истиқомат қилувчи 270 минг аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади. Оқова суви билан таъминланиш даражаси эса 11,9 фоиздан 15,3 фоизга ошади.

**Дилмурод ТЎХТАЕВ.**

# Камтарликдан камолга етганди

**Беназир инсон, тажрибали раҳбар Азимурод Мирзаев одамийлик, камтарлик ва меҳр-оқибатнинг қадрига етувчи меҳнатсевар киши эди. У ўз фарзандлари ва шогирдларини ҳам ана шундай гўзал фазилатларга эга бўлишга даъват этарди. Умрини халққа хизмат қилишга бағишлаган А.Мирзаевнинг ҳаёти ибратли, гапирса арзигулик ўтган.**

Азимурод Мирзаев 1939 йил 22 сентябрда Ургут тумани Почвон қишлоғида таваллуд топган. Шу ердаги 27-мактабда бошланғич таълимни эгаллаб, сўнгра Ургут шаҳридаги 1-сонли ўрта мактабда давом эттирган. 1956 йилда ўрта мактабни, сўнгра ҳайдовчилик курсини битирди. Уч йил жамоа хўжалигида ҳайдовчилик қилди. Тажрибали ҳайдовчи Жамол Нурқуловга шогирд тушди.



1960 йилда Азимурод хўжалик ҳисобидан йўлланма орқали Бухоро технология институтига сиртдан ўқишга кирди. 1963 йилда эса ўқишини Тошкент автомобил йўллари институтига кўчирди ва 1966 йилда муваффақиятли тугатиб, жонажон қишлоғига қайтиб келди.

Почвонлик ёш инженер туман машина трактор парки раҳбари Б.Набиев қўли остида ўн йил транспорт бўлимини бошқарди. Ургут туманининг иқтисодий салоҳияти ошиб, халқ хўжалигига янада кўпроқ юк автомашиналарига эҳтиёж сезила бошлади. А.Мирзаев ўша вақтлардаги Ургут тумани раҳбари Ў.Махматмуродов қабулига кириб, туманда вилоятдаги 2514-сонли автожамланма филиалини ташкил этиш орқали туманда юк автомашиналарига бўлган эҳтиёжни қондириш таклифини киритди.

Ниҳоят, 80-йилларнинг бошида 2514-автожамланма 70 дан ортиқ юк автомашиналари саройи туман марказига кўчириб келинди. Тажрибали раҳбар А.Мирзаевнинг ташаббуси билан янги лойиҳадаги автосарой қуриб битказилди. Маҳаллий йигитлар орасидан 70 нафар чилангар, механик, ҳайдовчилар жамланди.

Азимурод Мирзаев ушбу автосаройга 2004 йилгача, яъни нафақага чиққунига қадар раҳбарлик қилди. Юз нафардан ортиқ шогирдларга устозлик қилди. 2017 йилнинг ноябрь ойида 79 ёшида вафот этди.

Азимурод ака раҳбар бўлса-да, чилангар кийимида техник носоз автомашиналарни ўзи бош бўлиб тузатар, ёшларга техника сирларини ўргатар эди.

- 1980 йил ёз ойлари устахонага шляпа кийган, костюм-шим ва галстукли киши келиб, ўзини вазирликдан келганлигини айтиб, бошлиқ қаердалигини сўради, - дейди автосарой ҳайдовчиси Тоҳир ака Амонов. – Унга кийими ва қўллари мой ҳолда ишлаётган Азимурод акани кўрсатдим. Меҳмоннинг жаҳли чиқиб, "Сен менинг устимдан куляпсанми? Мен сендан чилангарни эмас, директорни сўраяпман. Ишдан бўшатаман сени», дея дўқ-пўписа қилди. Шундан сўнг бошлиқ меҳмонга пешвоз чиқиб ўзини таништиргач, вазирлик вакили мени олдига чақириб, кечирим сўраб, «автопарк директорининг машина таъмирлаётганини биринчи марта кўряпман» деб қўйди. А.Мирзаев ана шунақа оддий, содда, меҳнатсевар, кўнгли тоза инсон эди.

Ургут туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигига кўп йиллар раҳбарлик қилган Зойир Зиёев ҳам А.Мирзаев ҳақида илиқ фикрларни билдирди.

Азимурод акани мутахассис ва яхши инсон, соф кўнгил, ҳалол раҳбар сифатида нафақат Ургут туманида, балки вилоятимизда ҳам кўпчилик эсга олади. Жумладан, ундан техника сирларини ўрганган Э.Каримов, И.Собиров, Ш.Фармонов, А.Аҳадов, О.Ҳамроқулов каби ўнлаб кишилар у инсонни хотирлаб, дуо қилиб келишмоқда.

**Д.ТЎХТАЕВ.**



*Паст Дарғом туманидаги (ҳозирги Нуробод туманидаги 3-мактаб) 100-мактаб-интернатини бундан 55 йил аввал битирган синфдошлар учрашуви бўлиб ўтди.*

*- Мазкур мактаб-интернатга 84 нафар ўқувчи 50 километргача бўлган масофадан қатнаб, муассаса ётоқхонасида ётиб ўқиганмиз, - дейди Парда бобо Ҳусанов. – Мактабни битиргач, тенгдошларимиз устозлардан олган билимларини турли соҳалар ҳамда жамият ривожи учун сафарбар этишди. Бугун ўша битирувчиларнинг 38 нафари кексалик гаштини суриб, ҳаётий тажрибаларни ёшлар билан ўртоқлашиб келаётир.*

*Собиқ синфдошлар устозлари, вафот этган сафдошларини хотирлашди. Ярим асрдан зиёд вақт мобайнида қишлоқларнинг обод масканга айлангани, ўқиган мактабида яратилган замонавий шарт-шароитларни эътироф этишди.*

# Ўқувчилар креатив фикрлашга қандай ўргатилади?

Замонавий таълим жараёни ўқитувчиларни илғор бўлишга, янгилик ва ўзгаришлардан, янги методлардан самарали фойдаланишга, ўз устида ишлашга ундайди. Шу жиҳатдан уларнинг фаоллиги, ижодкорлиги ва изланувчанлиги ўқувчини муваффақият сари етаклайди.

Бугун жамиятдаги барча корхона ва ташкилотларда инновацион ҳамда креатив фикрлайдиган, муаммоларни ҳал қилишда замонавий билим ва яратувчанлик қобилияти бор кадрларга эҳтиёж сезилмоқда. Бу жараёнларда ўқитувчиларнинг асосий вазифаси уларнинг муваффақият қозониши учун зарур бўлган сифатли таълим беришдир.

Креатив фикрлаш – ҳозирги ёшларнинг ривожланиши учун зарур бўлган эҳтиёж. Олдин таълим тизимида фақат иқтидорли ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратилар эди. Бугун эса фақат ижодкор ва иқтидорли ўқувчиларни ажратиб олиш эмас, аксинча уларнинг ғояларни қидириш ва ифодалаш қобилиятини ривожлантириш муҳим.

**Дилфуза АЛЛАМУРОДОВА.**

**REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada ikki marta - chorhanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56**

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА...**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги "Ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ 6017-сонли Фармонига асосан "Yoshlar-kelajagimiz" жамғармасининг Самарқанд вилоятидаги мавжуд 16 та туман (шаҳар) филиаллари негизида битта Самарқанд вилояти филиали ташкил этилмоқда.

Жумладан, "Yoshlar-kelajagimiz" жамғармаси кузатув кенгашининг 2020 йил 9 октабрдаги 01-03/59 қарорига асосан, "Yoshlar-kelajagimiz" жамғармаси Самарқанд вилояти филиалига Самарқанд шаҳар, Каттақўрғон шаҳар, Самарқанд тумани, Каттақўрғон тумани, Оқдарё тумани, Паст Дарғом тумани, Нуробод тумани, Қўшработ тумани, Нарпай тумани, Пайариқ тумани, Пахтачи тумани, Жомбой тумани, Тойлоқ тумани, Ургут тумани, Булунғур тумани, Иштихон тумани филиалларини бирлаштириш орқали қайта ташкил қилинмоқда.

Шу сабабли жамғарманинг Самарқанд вилоятидаги бирлаштирилаётган барча туман (шаҳар) филиалларига нисбатан даъво ва этирозлари мавжуд бўлган жисмоний ва юридик шахслар (кредиторлар) ўн кун муддат ичида Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 63-уйга ўз талаблари билан мурожаат этишлари мумкин.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**+99866-233-40-56, +99899-595-56-11,**
**+99899-599-14-98, +99897-922-77-20.**
**"YOSHLAR-KELAJAGIMIZ" ЖАМҒАРМАСИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ МАЪМУРИЯТИ.**

* * *

Самарқанд туманидаги «MIRONQUL FAYZ HOSIL" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 303294566) ўз устав фондини 584 000 000 (беш юз саксон тўрт миллион) сўмдан 10 000 000 (ўн миллион) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд тумани Меҳробод маҳалласи.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Жураев Хамидга (1996 йил 23 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасида марҳум Ахмедов Ахтам Мансуровичга (2001 йил 22 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Раҳматова Кимьяга (2011 йил 18 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Акчурина Дина Аиповнага (2021 йил 31 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Мукумов Хуснидин Хусиновичга (2020 йил 2 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 52-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Фахриев Жалолга (2000 йил 15 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Нормурадов Шарофидин Салохидиновичга (2009 йил 29 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Давуров Хасанга (2020 йил 11 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносида.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Тсой Верага (2014 йил 29 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Мингбоев Абдумажит Каракуловичга (2020 йил 30 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Арутюнян Аделя Вагаршаковнага (2013 йил 27 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Рафиев Шарифкулга (1977 йил 1 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Бекирова Хамидега (2021 йил 27 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Курбанова Матлюба Ашуровнага (2011 йил 12 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасида марҳум Исраелян Нунуфар Багатуровнага (2019 йил 11 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Лутфий кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Шаропов Нажмиддинга (2017 йил 10 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсупович нотариал идорасида марҳум Муратов Шербай Лапасовичга (2020 йил 27 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Салимов Отабек Мамаюсупович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик майдони.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд педагогика билим юртидан 1992 йилда Ахмедова Зебинисо Ражабовна номига берилган рўйхат рақами 0008, PT-I № 443742 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги 15-ўрта мактабдан 1991 йилда Матлабов Шухратжон Турсункулович номига берилган № 149473 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Самарқанд академик лицейидан 2019 йилда Яхшибоев Дилшод Маъруфович номига берилган рўйхат рақами 259, L № 364397 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



# ҚУТЛАЙМИЗ!



**Азиз ҳамкасбимиз Хушназаров Абдулла Яҳяевич!**
**Сизни 60 ёшингиз билан табриклаймиз.**

*Абдулла Яҳяевич узоқ йиллар ички ишлар идораларида меҳнат қилди. Бугунги кунда адвокат сифатида фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, халқ ишончи, ҳурматига сазовор бўлиб келяпти. Камтаринлиги, ўз ишига бўлган масъулияти сабаб соҳа ходимлари орасида ҳурматга сазавор бўлмоқда.*

*Азиз ҳамкасб сизга мустаҳкам соғлик, оилавий бахт тилаймиз. Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари йўлида амалга ошираётган ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!*

**САМАРҚАНД ШАҲАР «САМАРҚАНД ҚОНУНЧИЛАРИ» АДВОКАТЛАР ҲАЙЪАТИ ЖАМОАСИ.**


* * *

Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицейдан 2010 йилда Ҳукумов Обломурот Норқўзи ўғли номига берилган рўйхат рақами 071, L № 085928 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилояти юридик коллежидан 2020 йилда Раббимов Юсуфжон Обруй ўғли номига берилган К № 5599520 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Шарипов Хуршеджон Буриевич номига берилган U № 2543892 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Жомбой туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Қаюмова Хабиба Абдумановна номига берилган O`R-SH № 1054300 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Эргашева Азиза Низомиддин қизи номига берилган UM № 0523102 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Рахимбердиев Жасур Зафар ўғли номига берилган U № 5373532 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома хато ёзилганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация коллежидан 2018 йилда Хошимов Зафаржон Комилович номига берилган рўйхат рақами 19564, К № 5119870 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом тумани Усмонобод маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежидан 2016 йилда Файзиев Толлибой Урал ўғли номига берилган К № 4291790 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 45-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Ортиқова Маржона Азам қизи номига берилган UM № 0535128 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги «RUSLAN UNIVERSAL TRANS» масъулияти чекланган жамиятига (СТИР: 302815794) тегишли икки дона дубликат думалоқ муҳр ва бурчак тамғалар бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 9-ўрта мактабдан 1996 йилда Ҳасанова (ҳозирда Хуррамова) Гулбахор Садриддиновна номига берилган UZI № 265821 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд темирйўл транспорти касб-ҳунар коллежидан 2015 йилда Толибов Азизжон Толиб ўғли номига берилган рўйхат рақами 357, К № 3830913 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаролар Боймуродов Шуҳрат Бахтиёрович ва Умаров Юсуф Шарофовичлар ўртасида 2021 йил 7 майда Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 8-уй, 12-хонадон учун тузилган, Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна томонидан тасдиқланган 2355 рақамли олди-сотди шартномасининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаролар Толибов Шухрат Амонджонович ва Эргашева Насиба Нусратиллаевналар ўртасида 2021 йил 19 мартда Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 8-уй, 7-хонадон учун тузилган, Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна томонидан тасдиқланган 1355 рақамли олди-сотди шартномасининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтидан 2015 йилда Холмўминов Санжар Нормуротович номига берилган рўйхат рақами 65218 бўлган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Абдураҳмонова Ситора Орифовна номига берилган U № 5353356 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабидан 2000 йилда Адилов Сардор Илхомиддинович номига берилган A № 2451252 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд таянч тиббиёт коллежидан 2019 йилда Муродов Ҳасан Собир ўғли номига берилган рўйхат рақами 361, К № 5558541 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейидан 2020 йилда Мўминжонов Мухаммаджон Махмудович номига берилган рўйхат рақами 2959, L № 0020612 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «LOLA MEXRI FERMASI» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 305780790) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

**ТОПГАНГА МУКОФОТ!**

Самарқанд вилояти адлия бошқармасидан 2018 йил 27 декабрда «Джавадов Ҳ.А.» адвокатлик фирмаси адвокати Сатторов Абдуназар Маннобович номига берилган 197 рақамли гувоҳнома Самарқанд шаҳри ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

**Телефон: +99890-270-52-84.**

# Шогирдлар ардоғидаги устоз



Малакали мутахассисларни тайёрлашда устоз ва мураббийликнинг ўрни беқиёс. Уларнинг саъй-ҳаракатлари, билим, кўникма ва малакалари сабабли етук мутахассислар тайёрланади. Акбар Қурбонов ҳам жисмоний тарбия ва спорт соҳасида минглаб шогирдлар тайёрлаган устозлардан биридир.

А.Қурбонов 1961 йил 20 сентябрда Самарқанд шаҳрида зиёли оилада дунёга келди. Ёшлигидан жисмоний тарбияга қизиқди. Мактабда ўқиб юрган йилларида спорт мусобақаларида фаол иштирок этди. Ундаги спортга бўлган қизиқишни сезган устозлари Акбарга шу соҳа бўйича таълим олишни маслаҳат беришди.

А.Қурбонов 1970 йил Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига талабаликка қабул қилинди. Ўқиш даврида спортнинг гимнастика тури билан мунтазам шуғулланди. Кўплаб спорт мусобақаларида қатнашиб, II-разряд олди.

Институтни муваффақиятли тамомлагач, иш фаолиятини Самарқанд давлат университетида жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб иш бошлади. Шунингдек, жамоатчилик асосида университет спорт клуби раиси вазифасини бажарди. Ўз касби ортидан жамоада, ўқитувчи ва талабалар ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди.

А.Қурбонов ҳозирги кунга қадар университетнинг факультетлараро жисмоний маданият кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида ишлаб келмоқда. Шу давр мобайнида кўплаб спортчилар тайёрлади. Улар республикамизнинг турли вилоятларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келяпти.

А.Қурбонов олтмишдан ортиқ мақола, услубий қўлланма ва кўрсатмалар муаллифидир.

У оилада ҳам бахтли ота. Турмуш ўртоғи билан 3 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Маҳаллада ибратли оилалардан бири.

Акбар Қурбонов 60 ёшни қарши олмоқда. Унинг қутлуғ ёши билан кафедрамиз профессор-ўқитувчи ва ходимлари номидан муборакбод этамиз. Ҳамиша шогирдлари ардоғида соғ-саломат юришини яратгандан сўраймиз.

**О.РАУПОВ,**
**Самарқанд давлат университети факультетлараро жисмоний маданият кафедраси мудири.**

«««« Маънавият сабоқлари »»»»

# ОТА




- Бўлди қизим, аразлаб юрганинг етар, ҳозирлигингни кўр, уйингга олиб бориб қўяман, - Умрзоқ ота ошхонада идиш-товоқ юваётган қизи Собирага буюрди.

- Ҳеч қаёққа бормайди, - деди чолининг гапини кесиб Ҳамро буви. - Ўша қудамнинг ўзи келиб кечирим сўрамагунча қизим бир қадам ҳам жилмайди.

- Нима деяпсан, эси паст кампир, кечирим сўрайдиган гапнинг ўзи бўлгани йўқ. Кеча бозорда қудангни кўриб қолдим. “Феълим ўзи шунақа, тилим қурсин, жаҳлим чиққанда қаттиқ-қурум гапириб қўяман. Сизлардан уялиб, бориб узр сўрашга юзим чидамай юрибди, қуда», деб хижолат бўлди.

- Мени уларга хўрлатиб қўядиган қизим йўқ, - баттар авжига минди Ҳамро буви. – Агар олиб бориб қўйсангиз, иккинчи марта остонамга оёқ бостирмайман. Нега улар келиб кечирим сўраб олиб кетишмас экан, биз олиб бориб қўйишимиз керак? Сизда ғурур деган нарса борми ўзи?

- Онаси, эсингни йиғ, куёвимиз ҳам, қудаларимиз ҳам яхши инсонлар. Ҳа, энди оилада аччиқ-чучук, паст-баланд гаплар бўлади. Қизимиз эркароқ ўсди, янги оилага кўникиши қийинроқ бўлади. Бу арзимас нарсаларни деб оиласини бузмассан!

Умрзоқ ота Собирани эргаштириб йўлга тушди. Андиша билан секин дарвозани тақиллатди. «Ишқилиб юзимга чанг солиб, кўчада шарманда қилмасинда, ўзлари боришини кутишим керакмиди, кампирим айтгандай».

- Ҳозир! - ичкаридан Розия момонинг овози эшитилди. У тикишини йиғиштириб, дарвозани очишга ошиқди. Дарвозада қизини етаклаган қудаси Умрзоқ ота турарди.

- Ассалому алайкум, қуда! - Розия момо бироз эсанкираб қолди.

Бундай бўлишини кутмаган, неча кундан буён келинини олиб келиш йўлини қидирарди. Маҳаллани аралаштиришга юзи чидамасди.

Розия момо тез ўзини ўнглаб олди.

– Вой, бўйгинангдан айланиб кетай, қизим. Сени хафа қилган тилгинам қурсин. - У Собирани қучиб, юз-кўзларидан ўпар, севинчи ичига сиғмасди.

Қудасининг хурсандчилигини кўриб Умрзоқ ота енгил тин олди. Ҳозиргина ҳувиллаб турган ҳовли файзу тароватга тўлди.

«Рустамжон билан дадасига зўр сюрприз бўлди-да» хаёлидан ўтказди Розия момо. Кейин шошиб:

- Вой эсим қурсин, қуда қани, ичкарига марҳамат, - деди қўлини кўксига қўйиб.

**Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.**

# “Юрагимдасан, Жомбой”

«««« Янги китоблар »»»»

**Жомбой адабий муҳити шаклланиш тадрижийлиги узоқ ўтмишга бориб туташади. Туманда яшаб ўтган сўфий шоирлар Шайх Худойдод Вали, Саидаҳмад Сиддиқий-Ажзий, кейинчалик унга янгича руҳ олиб кирган Аҳмад Аъзам ва Гулчеҳра Жамилова каби кўплаб ижодкорлар бу адабий муҳитнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган.**




Туман газетаси қошидаги “Умид” тўгараги ташкилотчилари Ойхумор Асадова, Шокиржон Шералиев, Ҳафиза Эгамбердиева, Алишер Умидов ва Ёрмамат Рустамовлар бугун республикамизда танилқи, забардаст ижодкорлар қаторида тилга олинади. Улар устозлик мақомида ёш ижодкорларга маҳорат мактаби ўтамоқда. Яқинда қайта фаолият бошлаган ушбу ижодий тўгаракда ёшлар ва таниқли ижодкорлар учрашувлари ўтказиляпти. Бу албатта, ижодий муҳитнинг янада жонланишига замин яратмоқда.

Мустақиллик байрами арафасида чоп этилган «Юрагимдасан, Жомбой» тўплами туманда шу каби хайрли ишларнинг доимий ташаббускори бўлган “Жомбой тонги” газетаси таҳририяти ходимлари томонидан нашрга тайёрланди. Унда туманда вояга етган катта ижод дарғалари ҳамда бугунги кунда республика миқиёсида ижодий фаолият юритаётган шоир ва ёзувчилар, журналистлар ва ёш умидли ижодкорлар ижодидан намуналар ўрин олган.

# Хонақоҳлар зиёрат туризмининг ажралмас қисми




**Бугунги кунда дунёда тарихий шаҳарлар жозибадорлигини ошириш мақсадида маданий мерос объектларини сақлаш ва таъмирлаш, улардан замонавий туризм мақсадларида фойдаланиш, янги сайёҳлик зиёрат маршрутларига киритиш зарурати туғиляпти. Айниқса, тасаввуф масканлари бўлмиш хонақоҳлар бугун зиёрат туризмининг ажралмас қисмига айланиб боряпти.**

Яқинда архитектура олимлари А.Ўролов ва И.Маматқуловларнинг айни шу йўналишда “Ўзбекистоннинг ўтмишдаги тасаввуф масканлари – хонақоҳлар архитектураси” монографияси чоп этилди. Монография хонақоҳлар архитектураси, уларнинг шаклланиши ва ривожланиш асослари, хонақоҳлардан самарали фойдаланиш йўлларини комплекс ўрганишга бағишланган.

Шунингдек, ушбу олимлар ҳаммуаллифлигида “Ландшафт архитектураси қурилмалари ва дизайни” ҳамда “Меъморчиликда ранг” ўқув қўлланмалари ҳам чоп этилган.

*Реклама ҳуқуқи асосида.*

TRASTBANK




# ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР – МУҲИМ НАТИЖАЛАР САЛМОҒИ

Мамлакатимиз молия-банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли тижорат банклари аҳоли, айниқса, ишбилармонларнинг яқин ҳамкори ва кўмакчисига айланиб улгурди. Уларнинг маблағларидан самарали фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ҳамда бозорларимиз тўкинлиги, ҳудудларимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган ишбилармонларнинг ютуқлари барчамизга ғурур бағишлайди. Ана шу ютуқлар аҳолининг тижорат банкларига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Кейинги йилларда мамлакатимизда банк хизматларига талаб ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Бу албатта, молия муассасаларидан юқори сифатли хизмат турларини таклиф этиш ва мижозлар талабини инобатга олишни тақозо этади. Талабдан келиб чиқиб, банкларда мижозларга кўрсатиладиган барча турдаги замонавий банк хизматларини йўлга қўйиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга эътибор қаратилмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бугунги кунда филиал томонидан юридик ва жисмоний шахсларга барча банк операцияларини амалга ошириш учун имкониятлар яратилган.



“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Самарқанд филиали ҳам “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойилига амал қилган молия муассасаларидан бири сифатида тадбиркорларга самарали банк хизматлари кўрсатиб келмоқда.

Талабларга мос фаолият юритишни дастуриламал қилган филиал ўтган даврда мижозлар ва ҳамкорларнинг ишончини қозона олди. Ушбу жараёнда филиал замонавий банк технологиялари, самарали таваккалчилик менежменти тизими, хусусан, хизмат кўрсатишнинг юқори сифат даражасига асосланган барқарор бизнес фаолиятини йўлга қўйди.

Жумладан, мижозлар миллий ва хорижий валютада ҳисоб рақамлар очиши, ҳисоб-китоб ва касса хизматларидан фойдаланиши, кредит ва лизинг операциялари асосида ўз бизнесини ривожлантириши мумкин. “Интернет-банк” тизими хизматидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ҳисоб-китоб ишларини юритишлари йўлга қўйилган.

Бугунги кунда банкнинг Самарқанд филиали томонидан 1618 нафар мижозга банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Улар орасида давлат корхоналари билан бир қаторда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам кўпчиликни ташкил этади.

2021 йилнинг август ҳолатида филиал таркибида 11 та мини-банк мавжуд бўлиб, мазкур мини-банклар орқали мижозларга барча турдаги банк хизматлари кўрсатилмоқда. Юртбошимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади», дея таъкидладилар.

Шунингдек, мурожаатномада банклар томонидан хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Дарҳақиқат, айни пайтда банк фаолиятини самарали ташкил этиш замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, “Трастбанк” ХАБнинг Самарқанд филиали жамоаси ҳам замонавий ахборот технологияларидан бевосита фойдаланган ҳолда банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда уларнинг турини кўпайтириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор билан ёндашмоқда.

Хусусан, молия муассасасида “Интернет-банкинг”, “SMS-банкинг” ва “Банк мижоз” каби масофавий банк хизматлари йўлга қўйилган. Мазкур “Интернет-банкинг” хизмати мижозга ўзининг банкдаги ҳисобини дунёнинг исталган жойидан интернет тармоғи орқали бошқариш имконини беради. “SMS-банкинг” тизимидан фойдаланувчилар эса ўз ҳисоб варақларининг ҳолати тўғрисида мобил алоқа воситаси орқали доимий маълумотга эга бўлишлари мумкин.

- Бугунги кунда мижозларга сифатли банк хизматлари кўрсатиш ва аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш борасида филиалимиз томонидан турли хилдаги миллий ва хорижий валютадаги янги омонат турлари жорий қилинмоқда, - дейди “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Самарқанд филиали бошқарувчиси Алишер Мусаев. - Булардан миллий валютада муддатли “Имкон-3” омонати йиллик 14 фоизни, “Имкон-6” омонати йиллик 15 фоизни, “Имкон-12” омонати йиллик 16 фоизни, “Наврўз” омонати йиллик 19 фоизни ташкил этади. Шунингдек, “Trustpay” мобил иловаси орқали жорий этилган жамғарма омонати “Online Kelajak” йиллик 16 фоизни, “Фаровон” омонати йиллик 17 фоиз, “Online Наврўз” омонати йиллик 20 фоиздан даромад келтиради. Мазкур омонатларимизнинг аҳоли учун қулайлик томони пластик картани бириктириш орқали ушбу мобил иловадан фойдаланиб, куннинг исталган вақтида, реал вақт режимида банк хизматларидан фойдаланиш мумкин. Яъни, ушбу мобил илова орқали аҳоли нафақат банкка жамғарма қўйишлари, балки барча турдаги тўловларни ҳам амалга оширишларига имконият яратилган. Айниқса, аҳолига қулайлик томони ўз мобил алоқа воситалари орқали ушбу иловадан фойдаланган ҳолда хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш бўйича операцияларни амалга оширишлари ҳамда банкка қўйилган омонат ҳақида барча маълумотларни билишлари мумкин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидламоқчиманки, аҳолининг таклиф ва талаби ўрганилиб, жорий йилда банк томонидан хорижий валютадаги “Истиқлол” омонати ҳам жорий қилинган бўлиб, йиллик фоиз ставкаси 6 фоизни ташкил этади.

Филиал ва туманлардаги мини-банкларимиз томонидан алоҳида ходим бириктирилиб, уйма-уй юрган ҳолда ҳар бир оиланинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари, шунингдек, уларнинг барқарор даромад манбаига эга бўлишлари учун зарур шароитлар яратилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истаган ва бу жараённи амалга ошириш давомида тушунмовчиликлар бўлган вақтларда филиалда ташкил этилган **(66)237-72-46** рақамли “Ишонч телефони”га мурожаат қилишлари мумкин.

Бундан ташқари, фуқаролар банк фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича филиалнинг **(66) 237-80-08** рақамига қўнғироқ қилиш имкониятига эга.

Аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланишига кенг имкониятлар яратиш, ишбилармонларга молиявий мадад беришнинг янги турларини жорий этиш банк филиалининг бош мақсадидир.

Айни мақсадда филиал ходимлари вилоят туман ва шаҳарларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Бунда аҳоли ўртасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ажратилаётган кредитлар, уларнинг турлари ва шартлари, кредит ҳужжатларининг расмийлаштириш жараёнлари ҳамда гаров таъминоти тўғрисида батафсил маълумотлар берилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган фуқароларга намунавий лойиҳалар таклиф этилиб, уларга кредит ҳужжатларини расмийлаштириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилмоқда.

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки Самарқанд филиали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, истиқболли лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришни мақсад қилган. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хусусан, аёллар тадбиркорлиги ва оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда банк мижозларига самарали банк хизматларини кўрсатиш йўлида фаол иш олиб боради. Бу эса, унинг мамлакат молия бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаб, белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

**“Трастбанк” ХАБ ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самаркандский вестник» gazetalari tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

*Gazeta O‘zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 12 651 nusxada chop etildi. Buyurtma 674*

***Gazeta haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.***



Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E’LONLAR: (66) 233-91-56
BO‘LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug‘ Tursunov ko‘chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo‘limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. **Korxona manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G‘.HASANOV.
Navbatchi: T.SIDDIQOV.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X
9 772010 667009